

Ўзбекистон ёшлари овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 197 (21. 064) 1991 йил 10 октябрь, пайшанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.


МУСТАҚИЛЛИК БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИГА ЭРИШАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида Ўзбекистон Давлат байроғининг намунаси танланди. Маълумки, бир неча ой давомида рассомлар ва тарихчилар, депутатлар ва фуқаролардан тушган таклифларни Олий Кенгашнинг махсус комиссияси ўрганиб чиқди. Икки юздан ортиқ намуналар ичидан сессия муҳокамасига учтаси киритилди ва натижада бугун рўномада тасвири берилган байроқ

аксарият депутатлар томонидан маъқулланди. Байроқни кўплаб нусхада ишлаб чиқариш учун аниқ рақамлари кўрсатилиб (узунлиги ва кенглиги, ҳар хил рангдаги қисмларнинг ва қизил ҳосияларнинг эни, ой, юлдузлар ва уларнинг орасидаги масофалар ва ҳоказо), республика идораларига топшириқлар белгилаб бевучи тегишли ҳужжатлар навбатдаги сессияда қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИНИНГ ЧИЗМА ТАСВИРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИНИНГ РАМЗЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг яқинда қабул қилинган янги Давлат байроғининг рамзлари Ватанимиз тупроғида аввал мавжуд бўлган қудратли давлатларнинг байроқларига хос энг яхши анъаналарни давом эттиради, айни вақтда республикамизнинг табиий, миллий ва маданий хусусиятларини ўзида акс эттиради.

1. Байроқнинг мовий-кўк ранги — мовий осмон ва тинч сув, яъни еру кўндалаги ҳаёт манбалари рамзидир. Мовий-кўк ранг Амир Темур даври байроғининг ҳам асосий рамзи бўлган. 2. Оқ ранг — тинчлик, поклик рамзи. Янги мустақил давлатимиз баланд доворлардан ошши керак. Байроғимиз бизга оқ йил тилайди. 3. Яшил ранг — табиат, яшнов турган ҳаёт ва ҳосилдорлик рамзи. Бир миңг тўрт юз йилдан буён давом

этайётган мусулмонлик маданиятимиз рамзи ҳам шу рангда мавжуддир. Айни вақтда бутун жаҳонда атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган «Яшиллар» ҳаракатига хайрихоҳлигимиз ҳам яшил ранг билан ифодаланади. 4. Қизил чизиқлар — ҳар бир тирик вужудда мавжуд бўлган ҳаётнинг кучлар ва бизнинг яхши ниятларимизни еру осмон билан боғлаб турадиган жонли ришталар рамзидир. 5. Янги ой — кўп асрлик тарихий анъаналаримизга мос. Айни вақтда янги ой — янги туғилган мустақиллигимиз рамзи.

6. Юлдузлар ҳамма халқларда булутсиз осмон рамзи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг янги байроғида тасвирланган 12 юлдуз эса бизнинг Наврўздан бошланадиган миң йиллик тарихий анъаналаримизни ўзида акс эттиради. Наврўз билан бошланадиган Қуёш тақвими (календари) ойллар ва йиллар ҳисобини илмий жиҳатдан чуқур асослаб берган энг мукаммал тақвимлардандир. Чунки ҳал, савр, жавзо, саратон, асад ва бошқа ойлarning ҳар қайси осмондаги 12 буржнинг биттасини кўрсатиб турган юлдузларнинг номларидир.

Бу ҳисоб табиатнинг тўрт унсурдан — яъни тупроқ, сув, ҳаво ва олов нурдан таркиб топиши ҳақидаги фалсафий фикрга ҳам алоқадордир. Шу тўрт унсур ерда бир хил, осмонда бошқа хил, уларнинг оралиғида яна бошқа хил шаклларда бўлади (масалан, ердаги сув осмоннинг баланд жойидаги сувдан музга айланади, осмон билан ер оралиғида эса буғ ёки булут шаклига кирди). Демак, бутун мавжудотни туғиб қамраб олиш учун тўрт унсур ер, осмон ва улардан иборат бўлган ушқина кўпайтирилди. Шунда 12 рақами келиб чиқади ва бутун борлиқни қамраб оладиган мукаммаллик рамзига айланади.

12 рақамни шундай ҳикматли рақамга айлантириш учун ҳам Амир Темурнинг устози Манраиди Барака ва машҳур муаррих Хондамир тарихимизда ёрқин из қолдирган улкан давлат арбобларига берган масъулаҳларидан мамлакат аҳолисининг 12 тоифасига алоҳида эътибор бериши ва давлатни бошқаришда 12 муҳим фазилатга амал қилишни масъулаҳ берилади. Бу қондалар қаторига одиллик, бағриёнлик, мулоҳазалик, мардлиқ, билимдонлик, сабр-бардошлик, кечиримли бўлиш каби энг муҳим инсоний фазилатлар кирди.

Янги байроғимиздаги юлдузларнинг рамзий маъноларини яқинлаб шуни таъкидлаш керакки, уларнинг сўз маъноси — халқимиз яхши кўрайдиган Наврўз ва ундан бошланадиган Қуёш календарининг 12 юлдузга ном берган 12 ойларидир. Бу рамзлар миңг йиллар давомида илмий жиҳатдан асосланган ва донишманд ақдоғлар томонидан ҳикмат даражасига кўтарилгандир. Энди бу рамзлар янги байроғимизда акс этиб, бизни мукаммалликка, ҳаётнинг

барча томонларини тўлиқ қамраб олишга ва энг яхши инсоний фазилатлар ёрдамида давлатимизни мустақил қамлаб, ҳар бир фуқаронни қамолга етказишга чорлайди.

Янги байроғимиз рамзларининг сермазмунлигини, теран табиий ва тарихий илдизлари борлигини ақидани Олий Кенгаш сессиясида шу масалани муҳокама қилган Ўзбекистон халқ депутатлари юракдан ҳис қилдилар. Шунинг натижасида янги байроқ депутатларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинган пайтда бутун зал оёққа туриб, узоқ давом этган қарсақлар билан янги байроқни тасдиқлаб ўтказдилар. Шунда Президентимиз «Тарихий ҳодиса юз берди, янги байроқ қабул қилинди» деган хулосавий сўзларини айтди.

Ҳақиқатан ҳам янги байроғимиз қабул қилинган биринчи дақиқадаёқ барча депутатлар оёққа туриб, яқдиллик билан қарсақ чапганликларни кишини қувонтирадиган ҳодиса бўлди. Янги байроғимиз ва унинг энг яхши тарихий анъаналаримиздан келиб чиқади, рақамлари барча парламент аъзоларини бир туг атрофига жиқлаштириб қўлади. Ишонимизки, янги байроқ доим жамиятимизнинг соғлом кучларини улғун масъулаҳ йўлида бирлаштиришдек олижаноб ишларга хизмат қилади.

Пирмақул ҚДИРОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ахмадали АҚҚАРОВ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси.

Бурйибой АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ПАХТАМИЗ 3.000.000 ТОННАДАН ОШДИ



Оқолтин районидagi С. Сиддиқов номли давлат хўжалигининг Шодмон Урозов етакчилиги қилаётган аъзолари 32 гектар майдондан 82 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олишди. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинди. Суратларда: мохир механизатор Абдуғани Муримов ҳамда далалардаги қизғин ишлар. А. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Урта Чирчиқ районидagi Ким Пен Ха номли жамоа хўжалиги Тошкент вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди. Шуниси қувонarliки, жамоа пахтакорлари кейинги уч йилдан бери пахта тайёрлаш режаларини биринчилардан бўлиб адо этиб келаятирлар.

Бу йил пахта пишиб етилганда икки марта ёмғир ёққани сабабли ўтган йилдагига нисбатан уч кун кейин маррага етилди. Республикадаги ҳосилдорлик 2250 тонна хом ашё топширилди. Ҳар бир гектар ер ҳосилдорлиги 27 центнерни ташкил этди. Режа бажарилиши учун жами 17 кун ифроя қилди. Жамоа кетма-кет икки кун йиллик режага нисбатан ун фоздан ошириб пахта топширди. Ҳосилни бундан ҳам қисқа муддатда йиғиштириб олган Баҳром Қамоллов, Ашир Худойназаров, Қарим Умриёев бошчи бригада далаларида ҳосилдорлик гектарыга 30-32 центнерга етказилди.

Ҳосилни қисқа муддатда териб олишимизнинг боиси аввало нави танлаб экишимизда — дейди хўжалик бошқаруви раиси Турғун Мадиров, — «Киргиз-3» нави пахтакорларимиз ёқтириб қўлишган. Тўрт йилдан бери шу нави экамиз. Утган йили ҳар бир дехқон ўртача 360 сўмдан оялик маош олган бўлса, бу йил пахта ҳарид нархлари ошганлиги туфайли у 500 сўмдан кам олмаслиги кутилмоқда. Еки хўжалик бўйича ўтган йили бир миллион сўмдан зиёд соф даромад кўрилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 1,5 миллион сўмга етди.

Тошкент вилоятида яна бир жамоа — Куйи Чирчиқ (Ғалаба) районидagi «Коммунизм» давлат хўжалиги ҳам давлатга 3694 тонна пахта топширди, йиллик режани бажарди. Шу райондаги Ленин номли жамоа хўжалиги эса бугун-эрта галаба рапортига имзо чекади. А. МАНОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ ЯНА МИНГ ТОННА

Иш қуролнинг бўлса соз, машаққатнинг бўлар оз, дейишди доғлар. Эллик-қалъа районидagi «Ўзбекистон» Компартияси 50 йиллиги» совхоз-техникуми механизаторлари 20 сентябрь кунини даладари ағраётларини қиритишганди. Маъсумга яхши ҳозирлик қўрилганлиги, механик-ҳайдовчилар меҳнатини рағбатлантириш охириланганлиги ўз самарасини берди. Дастлабки кундаёқ терим сурьати кескин кўтарилди.

Машиналар шарофати туфайли хўжаликда кунига 3,5—4 фоз хом ашё тайёрланган. Жами тайёрланган пахта 75 фоздан ошди. Бу хўжалик миришкорларининг яқин кунлар ичида маррани эғалашларида Далолат бераётир.

Наманган районидagi «Ленинград» жамоа хўжалиги давлатга пахта сотиш режасини бажарди. Қабул пунктларига беш миңг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. 1477 гектар майдоннинг ҳар гектарыдан 34 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга сотилади. Янги ҳосилнинг эътиби фозин терим машиналари бунёдидан тўкилади. Бу муваффақиятга И. Худойбердиев, А. Турсунов, М. Усмонов каби бошлик бригада-ларнинг жамоалари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу жойларда 35—40 центнердан хирмон кўтарилди. Айни пайтда терим қизғин давом этмоқда. А. МАДАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

К. РИХСИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕЗУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 9 октябрь кунини Тошкентда республика ёзувчилари билан учрашди. (Бу учрашув ҳақидаги хисобот матбуотда эълон қилинади). (Ў.ТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган «Айзенберг групп оф компани» (Исроил) компаниясининг президенти Айзенберг Шоулем Нашимя ва унинг вакиллари — Гринберг билан Линда Леунгичи қабул қилди. Ҳозирдаги ёғ-экстракция заводи янгилаш тўғрисида гап борди. Бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Компания президенти самийий кутуб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Вазирад Маҳкамаси Раисининг ўринбосари В. С. Хамидов, вазириликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар. (Ў.ТАГ).

Эшитмадим,

● **РЕСПУБЛИКАДА**
● Сифат жиҳатидан бугунги янги иқтисодий тузилмаларга мамлакат иқтисодини узоқ пайтдан бери давом эттаётган таълимдан олиб чиқиши мумкин. Шулардан бири биринлардир. «Чимёи» савҳатлари мажмуида ўтказилган семинарда ана шундай хулосага келинди.
● Семинар охирида «Тошкент» ва Москва товар биржалари ўртасида брокерлик хизмати кўрсатиш бўйича битим тузилди. Аниқман қатнашчилари пахта биржасини ташкил этишни тартибга солувчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан тахрир ҳайъатини тузишга қарор қилдилар.
● Андижонда Москвадаги маънавий хизмат кўрсатиш технологияси олий таълимгоҳи негизда ташкил этилган олий ўқув юрталари ўқув-методик бirlашмасининг кўчма мажлиси бўлиб ўтди.
● Мажлис аҳли Андижонда маънавий хизмат кўрсатиш те-

хнология олий таълимгоҳини ташкил этиш мақсада мувофиқ эканлигини тасвир қилдилар. Бу — Урта Осиё республикалари ва Қозғоғистонда шундай йўналишдаги дастлабки олий ўқув юрти бўлади.
● Ҳиндистоннинг бир қатор савдо-саноат фирмалари билан республика Суз хўжалиги қурлиши давлат комитети ташкилотлари ўртасида икки томонлама иқтисодий битим имзоланди.
● Ҳиндистонликлар шерикчилик асосида Андижон, Жиззах, Сирдарё вилоятларида қўшма корхоналар қурадилар.
● **МАМЛАКАТДА**
● Кеча Москвада Совет Иттифоқи билан Болтиқбўйидаги икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. СССР билан Литва Республикаси, шунингдек, СССР билан Эстония Республикаси ўртасида нота айирбош қилинди.
● Дипломатия муносабатларини ўрнатиш бўлажак давлатлараро музокаралар учун қулай шароит яратадиган муҳим қадамдир. Яқин вақт ичида Латвия Республикаси билан ҳам нота айирбош қилиниши кутулямоқда.
● Янги таркибдаги СССР Олий Кенгаши биринчи сес-

ссиясини тайёрлаш республикалараро комитети ўз маълумини давом эттирди.
● Республикаларнинг вакиллари қизғин ш маъсулнинг билан фикрлашнинг давомида Республикалар Кенгаши билан Иттифок Кенгашининг қўшма қарорлар қабул қилиш юзасидан муваққат иш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни муфассал муҳокама қилдилар.
● **ХОРИЖДА**
● БЕЛГРАД. Югославиянинг Хорватия Республикаси узини мустақил деб эълон қилди.
● Қабул қилинган қарорга мувофиқ Хорватия собиқ ЮСФР билан давлат алоқалари ва ҳуқуқий алоқаларини узати.
● **ТОКИО.** Япония СССРга шошилинч равишда 2,5 миллиард доллар миқдоринда ердан кўрсатади.
● Вазирадлар маҳкамасининг бош қотиби Мисодан Сакамото матбуот конференциясида шунини маълум қилди.
(ТАСС — ЎзТАГ материаллари асосида).

Деманлар

Иброҳим РАҲИМ 75 ёшга

ҲОЗИРЖАВОБ ХАЛҚ АДИБИ

Санъаткор ўз қахрамонларидан бири тўғрисида тўхталиб шундай ёзган эди: «Унинг қадди-баси ҳам, юриш-туриши ҳам, чехраси ҳам, кўз қарашлари ҳам оддийгина... Унга хос ташқи жозиба, жонқуярлик, тўғма ҳаракатчанлик унинг табиияти улуғлаб туради. У, айрилмаган бирор сўзни кутатгандай доим зийрак, қилинмаган бирор ишга ҳозирлангандай доим шай».

Бу таъриф муаллифининг ўзига берилгандай гўё...

Ҳа, Иброҳим Раҳим «доим шай». Унинг ҳақиқий ёзган нарсалари эди билан танишиб чиқсак, у ҳаммаша ҳаёт олдинга сурган, жамият ўртага қўйган, халқ оммасининг қалбидан ўрин олган масала ва муаммоларни астойдил ўрганиб, уларни теъдорлик билан адабиётга олиб кирганлигининг шохиди бўламиз.

Адибнинг табииати ҳос зийраклик, тиниб-тинчимаслик, безовталик ва ҳаракатчанлик кўп соҳалар устида келам тебратилиши олиб келди ва улarga жамоатчиликнинг диққат-эътиборини жалб қилди.

Айрим ижод аҳиллари шахсга сиғиниш, турғунлик даврларида кўп эъзувчиларимиз кўрқоқлик қилдилар, воқеликда пайдо бўлган иллатлар ва хатолар тўғрисида лом-мим деймай, оғизларига талқон солиб юрдилар, деб маломат тошларини ёғдирдилар. Дадил ва ишонч билан айтишимиз мумкинки, Иброҳим Раҳим ҳаётимиз ривожига ҳалақат берган, фуқароларнинг турмушига зийн етказган турли-туман сарқитлар ва хатоларга, нуқсон ва қусурларга қарши бонг урган адибларимизнинг биринчи сафиди турди. Пахта яккахоқимлиги кучайиб, колхозчиларга ҳақ тўлашдаги адолат-сизилликлар, дала-майдонларда химикатлар кўпайиб, соғлиққа катта зарар етказётганлиги, хужасизлик, интизомсизлик ва тартибсизлик ҳужайилар танасидаги балолар эканлигини куйиб-пишиб ёзганлардан бири Иброҳим Раҳим эди.

Унинг кўтарган масаласи ва жамиятга жар солиб билдирган дарди—ҳужайилар наф келтириш кўллари кидириб топиш, тежамкорликка тўла эришиш орқали ҳаёт тарзини яхшилаш. Кўриниб турибдики, бу муаммо, айникса, ҳозирги вақтда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу кунлардаги хужасизликни, инқирозни бартароф этиб, тараққиёт йўлига тушиб олишимиз жиҳатдан Иброҳим Раҳим селган ҳосил уруғлари бизга сабоқдир. Айникса, унинг кадрлар жабҳасидаги сабоқлари ибратлидир.

Иброҳим Раҳим муҳим бўлган бу масалани атрофича кўтарди: «— Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Қассоб бўлмаган одам қушқонда нима қилади?! Агроном бўлмаган одам нега агротехникага сўқилади?! Ҳамма бало шунинг оқибати...». Ҳозир ҳақоний гап. Кейинги даврда мамлакатимизнинг инқирозга юз тутиши, инқисод ва сўйса бобларида пайдо бўлган фожиа ва драмалар барчасининг заминда ўз соҳасини билмаган, ишнинг асосини билмаган, ношуд, калтағар бошқиларнинг мансаб ўринларини эгаллаб олишларидир. Бундай амалдорлар билиб-билмасдан кўрғазмалар ва топириқлар бериб тўзатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйиб жамиятни тушунликка қараб бошладилар. Ҳар бир соҳага ишнинг кўзини билмайдиган, ақли, дошимади одамлар қўйилгангина халқ ҳужайиларини изга солиб, уни тараққиёт этириб бўлмади, деган зулоса чиқади. Иброҳим Раҳим асарларидан.

Адибимизнинг серғайратлиги, захматкашлиги, ўз касбини гоёт сезиши, эъмасдан тура олмаслик сифатлари унинг ижодига улкан ҳосил олиб кирди. У адабиётнинг турли жанрларида унумли қалам тебратди. Биринчи илк шеърларини, жумҳурият мукофотига сазовор бўлган «Баҳодир» поэмасидан бошлаб, то «Генерал Равшанов» романига қадар катта ижодий йўлни босиб ўтди. Бу жабҳада адибимиз жиддий ютуқларни қўлга киритиш билан бирга, баъзи хато ва нуқсонларини ҳам бошдан

кечирди. У қатор адиблар каби Коммунистик партиани абадий барҳаёт деб билди, оқибатда бутун ғалабаларимизни шунга боғлаб маҳд этди, ундаги нуқсон ва қусурларни кўра билмади, коммунистларнинг кўпини идеал шахслар сифатида талқин қилди. Адибнинг кўп ёзган нарсалари замоннинг даъвати билан битилган эди, шу сабабдан ҳам юз берган нуқсонлар замон билан боғлиқ бўлган.

Езувчи давр фарзанди ва замоннинг ҳақиқий куйичси бўлганлиги учун воқелик келтириб чиқарган нуқсонлардан тўла холи бўлиши мушкул эди. Лекин у иложи борича ҳақоний фикрларни айтиши уринди. Аммо унинг Бош муҳаррир бўлиб ишлаган йиллардаги бу жасорати ўзи учун анча қимматга ҳам тушди. Абдулла Қодирий оқланган кейин биринчи бўлиб «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида унинг ҳақида катта, жиддий,

лаб киссалар, ўнлаб романлар, юзлаб ҳикоялар ва очерклар, қатор пьесалар ва сценарийлар, жуда кўп публицистик мақолаларни китобхоналарга тақдим этди.

Гап сонда эмас, сифатда, албатта. Бу жиҳатдан қараганда ҳам адибнинг кўп бадиий асарлари давр синовидан ўтди, халқимизнинг адабий мулкки бўлиб қолди. Унинг «Ҳилола», «Мангулик қўшиғи» киссалари, «Тақдир», «Оқибат» романлари, «Жоним фидо» ва «Фарҳоднинг жасорати» каби пьеса ва сценарийларини китобхоналик кутиб олганлигини мамнуният билан қайд қилиб ўтамиз. Ҳўш, Иброҳим Раҳим асарларининг фазилатлари ва ўзига хос хусусиятлари нимада? Авваламбор шунки айтишимиз керакки, уларда кўйилган масалаларнинг долзарблиги ва янгилигидадир. Воқелигимизда эндигина куртак ота бошлаган, ҳали кўпчиликка маъ-

бир катта хизмати оддий совет кишиларининг турли соҳадаги меҳнат самараларини адабиётга олиб кирганлигидир. Оқибатда ранг-баранг характерлар пайдо бўлди, ижодий ўзига хос қаҳрамонлар билан бойиди.

Хурматли адибимизнинг ўзбек жангчилари ва халқ оммасининг фронт ичкарисидagi мардлигини очиб беришдаги ижодий хизматлари алоҳида таъсирга сазовор. Шунки таъкидлаб ўтишимиз лозимки, ҳеч ким фронт ҳақида Иброҳим Раҳимдай кўп ёзмаган. Бу мавзу унинг ҳикоя ва очерклариди, пьеса ва сценарийларида, қисса ва романларида кенг ўрин олган. Бу ҳол тасодифий эмас, албатта. Адибимиз Фин урушида, Фарбий Украинани озод этишда, немис-фашистларга қарши курашда чин ватанпарвар сифатида қаламини найзага айлантириб, қахрамонларча жанг қилди. Узининг бошидан ўтганлари, кечирган азоб-уқубатлари, совет кишиларининг мардликлари бирин-кетин асарларидан жой ола бошлади. Унинг оқоларда этиб қоралаб келган «Чин муҳаббат» асридан бошлаб, «Генерал Равшанов» романигача бўлган намуналарни назарга олсак, ҳарбий мавзунини қанчалик бойитганлигининг гувоҳи бўламиз.

Адибнинг кўп асарлари ўткир, кескин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бахслар кўзга тушиб ўзи ҳам ижодий ҳодиса. Чунки кўйилган масалалар жиддий диққат-эътибор қилишга адиб мавзуда ёзилган асарлар устида, аниқроғи, «Генерал Равшанов» агрофидо кучайиб кетди.

Биз ёзувчи асарларидан кўпинча чуқур психологик тасвирини, лирик талқиннинг ҳар томонлама ифодасини талаб қиламиз. Ҳар бир асарга ёндошганда, унинг жанр турлиги, кўйилган масала гавий эстетик жиҳатдан қандай ҳал қилинганлигига қараб баҳо беришимиз керак.

Комедиядан фожиадан талаб қилмаганимиздай, публицистик характердаги асардан кенг руҳий таҳлилини талаб этиш ҳам уринли бўлма-са керак. Иброҳим Раҳимнинг ижодини характерлаганда унинг услубидан, ҳар бир асарининг жанр хусусияти ва табиатидан келиб чиқшиш лозим. Айниқ, унинг услубида публицистик руҳ устунлик қилади.

Редакциялардаги иш характери, журналистик фаолият адибга таъсир этмаслиги, унинг услубини белгилаб бермаслиги мумкин эмас. Мана шу сабабдан ҳам адиб ижодига публицистик руҳ сингиб кетган. Бу нарса бадиийликдан воз кечишга ёки уни камситишга асло олиб келмаслиги лозим. Бадиий асар биринчи навбатда бадиий асар-дир! Шу нуқтан назардан қарасак, ҳақиқатан ҳам Иброҳим Раҳимнинг қатор асарларида бадиий баркамоллик етишмаслиги, баъзан мантисизликлар, ғайри табиий ҳоллар кўзга чалинади. Лекин баъзи ҳаммасларимиз санъаткорнинг ижодида учраган бу нуқсонларни рўқча қилиб олиб, асарларини қоралаб ташлаб, уларни йўққа чиқаришга уринмоқдалар. Бундай фикрга ҳечам қўшилиб бўлмайди.

Шу ўринда китобхонинг берган баҳосини келтириш билан чекланамиз. «Мен романда» («Генерал Равшанов» — Х. А.) мулкато камчилиги йўқ, демократ эмасман. Талайгина гализ жумалар, ибодлар бор. Баъзи ўринларда баён қилишга кўзга ташланади. Лекин шунинг учун асарни йўққа чиқариш оқин қора дейиш билан баъиробар.

Бу баҳода жон бор деб биламиз. Республикада хизмат қўриган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, фаол жамоат арбоби Иброҳим Раҳим 75 баҳорни кутиб олган бўлса-да, унинг куч-ғайрати ҳамон жўшқин. Давр муаммоларини, халқнинг дардини бадиий таҳлил қилиб берадиган янги асарлар ёзиш учун «доим шай» бўлиб турибди.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари доктори.

Бир оёғи дом далада бўладиган ёзувчилардан бири Иброҳим Раҳимдир. Қува райониде бўлган мана шу учрашувдан кейин ёзилган очеркни сиз рўзномалар саҳифаларида ўқитганингиз аниқ.



ДЕҲҚОНЛАР ДЎСТИ

Мен Иброҳим ақани узоқ йиллардан буён биланман. Деярли барча китобларини ўқиб чиққанман. Магбуотда босилган очерк, лавҳалари ёдимда сақланиб қолган.

Дўстлик ёш танламайди, дейишди. Тез-тез йўқлашиб, учрашиб тураман. Ҳар галги учрашувимизда у адабиёт соҳасида ишлардан гапирса, мен қишлоқ одамлари ташвиши, деҳқончилик, меҳроқибат ҳақида сўзлашман. Халқимизнинг меҳнаткашлиги туфайли яхши яшаша интилаётганлигини ноҳиямиз мисолида айтман.

Гоҳида ташриф буюрган-да биргаликда болларга, пахтазорларга, завод ва фабрикаларга борамиз. Турли тоифадаги кишилар, колхозчилар билан мулоқотларда ёзувчимизнинг, кайфияти янада кўтарилади. Ёзувчининг ақали уларнинг меҳнати ижодига учун битмас-туганмас танба эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Ваъзан, буни барча қуваликлар ҳам яхши билса керак, ноҳиямиз ҳаёти ҳақида жумҳурият рўзномаларида мақолалар эълон қилади. Қийинчилик ва муаммоларимиз тўғрисида юқори ташкилотларни хабардор этади. Хуллас, бизнинг ташвишларимизга у киши ҳаммаша ҳамнафас.

Фикримизнинг исботини унинг қисса ва романлари, публицистик мақола ва йўл очерклари билан танишган киши кўриши мумкин. Иброҳим ақани биз, деҳқонлар ҳаётига оид кўплаб асарлар ёзган. Қай бир асарини кўздан кечирманг, кўралшан инсонларга дуч келасиз.

Йиллар тўхтовсиз ўтаверар экан. Мана, бугун Иброҳим ақани 75 ёшга кирибди. Унинг олдинги туғилган кунлари муносабати билан ўтказилган тадбирларимиз ҳамон эсимда. Ёзувчининг юбилей тантаналари қуваликлар учун ҳаммаша қизиқарли ва эсда қоладиган анъанадир. Бу йил ҳам

шундай бўлмоқда. Ноҳиямиз фахрийлари, совет ташкилотлари, ҳужайилар органилари хурматли адибимиз муборак тўйини нишонлашга астойдил тайёргарлик кўришди. Ўқув даргоҳлари, пахтачилик бригадалари, кутубхоналар ва бошқа жойларда отахон ёзувчимиз ижодига оид кечалар ва конференциялар уюштирилмоқда. Бизнинг жамоа ҳужайилгимиз меҳнат аҳли ҳам Иброҳим ақани муборак ёшлари билан чин дилдан табрикламоқда.

Иброҳим Раҳимни 75 ёши билан кутлар эканман, ижодига барана тилайман. Ойла аъзолари билан саломат бўлишсин. Янада ўқишли асарлар ёзиб, бизни кувонтиришига ишончимиз комил.

М. ШЕРБЎТАЕВ,
Қува районидagi «Коммунизм» жамоа ҳужайили бошқарувининг раиси,
Ўзбекистонда хизмат қўриган қишлоқ ҳужайил ходими.

ЖАНГЛАРДА ТОВЛАНГАН ҚАЛАМ

«Табиятан самимий, гавҳир, ҳаммаша биз, алоқачилар бинимизда бўлган, барча қийинчиликларини бирга баҳам кўрган ротамиз сийсий раҳбарини ҳеч қачон эсдан чиқармайман. Орадан кўп йиллар ўтганлигига қарамай, кўпчилик ичиде турган бўлса ҳам, у кишини овозидан таниб олардим».

Ўқоридиги сатрлар Белоруссиялик Николай Гуна 194-ўқини дивизия тарихидаги 144-алоҳида батальонда бирга хизмат қилган Иброҳим Раҳимни излаб, Ўзбекистон жумҳурияти Ёзувчилар уюшмаси номига йўллаган мактубдан келтирилди.

Мактубни ўқир экан, Иброҳим ақани кўз унгида Угра дарёси яқинидаги Павлово қишлоғи озод қилинган кундаги унутилмас воқеалар намона бўлди... СССР Мудофаа вазирлиги Марказий архивиде бўлганида 33-фондининг 682524-руйхатидаги 932-девода Иброҳим ақани Угра дарёсиде кўрсатган жасорати ҳақидаги хужжати қидириб топдим. Унда шундай дейилган эди:

«1916 йил 15 октябрь куни Қува районидеги Сойкеди қишлоғида туғилган Иброҳим Раҳим 194-ўқини дивизиянинг 114-алоҳида алоқа батальониде телефон кабел ротасининг сийсий раҳбари сифатида хизмат қилди. Душман жон-жаҳди билан ўт очиб турганлигига қарамай, 1942 йил 12 апрель кунин Павлово қишлоғи яқинида Угра дарёси орқали сик тортилиб, алоқа уратилишига бошчилик қилди, бу операцияда шахсан ўзи иштирок этди. Бу ҳол Угра дарёси қирғоғида эгаланган плацдармдан ҳужум бошлаган ўқини бўлиналарга муваффақият келтирди: Павлово қишлоғи ишғол қилинди. 14 апрель кунин дарё устидан ўтказилган сикм ўзилиб қолганда ҳам Иброҳим Раҳим гитлерларини шиддат билан ўт очиб турган-

литини писанд қилмай узилган сикмининг уланшини таъминлади.

Минск областидаги «Коммунистичная правда» деб номланган маҳаллий газета Березина дарёсидан ўтиш операциясининг амалга оширилиши тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Кисмиаининг Березина дарёсидан ўтиб олишини ташкил этишда бригада инженерлик хизмати бошлиғи, ўзбек халқининг фарзанди гвардиячи капитан катта хизмат қилди. У ўқинишли ва жуда доворак киши эди».

Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача фронтда бўлган Иброҳим Раҳим ҳаёт-мамонт жанглариде кўрсатган жасоратлари учун 2-Белоруссия фронти кўмондонлигининг 1945 йил 9 апрелдаги 331-номери бўйруғига бинан «Қизил Юлдуз», 1945 йил 1 июндаги 090-номери бўйруғига асосан II даража Ватан уруши орденлари, «Москва мудофааси учун» медали, шунингдек, Олий Бош кўмондонлиқнинг 15 та раҳматномаси билан мукофотланган.

Қалуга областининг Жуковск районидеги Троицк қишлоқ Советига қарашли ақоли пунктларини озод қилиш орқали ишлари 194-ўқини дивизия жангчилари 1 январь шухратини кенг ташвиқот қилётганлиги, қишлоқ Совети ишлари ва ақолиси ўртасиде ҳарбий-ватанпарварлик ишлари олиб бораётганлиги учун қишлоқ Совети ижроия комитетининг 1977 йил 19 декабрдаги қарорига мувофиқ Иброҳим ақани Троицк қишлоқининг фахрий фуқароси унови билан ва унга бу ҳақда диплом, гувоҳнома тақдим этилган.

Кутлуғ ёшингиз муборак бўлсин, хурматли Иброҳим ақани!

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши фахрийси.



Қариб юз ёшга кириб, неварачевараларнинг меҳрибон, азиз бу вақонис бўлиб юриш қандай бахт!

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

Ижодий характердаги материал берилиши, «Гулистон» ойнамасида эса Темур тўғрисидаги асарлар ҳамда санъатимиз дурдонаси бўлиши машҳур кертанининг эълон қилиниши Бош муҳаррир дадиллигининг нишонаси эди. Айникса, «Муштум»да чоп этилган «Арслоннинг ўлими» масали туфайли ойнама раҳбарининг бошига кўп кўлфатлар тушди. Бош муҳарририни ишдан бўшатишди, партиядан ўчиришларига сал қолди.

Иброҳим Раҳимга хос бундай мардликлар бошқа соҳаларда ишлаган чоғларида ҳам кўп бўлган. Улардан баъзиларининггина тилга олдик, холос. Лекин ҳамма гап шундаки, у таъкидча унганда, унга маломат тошлари ортилганда, сиқик-таъкиқ остига олиниганда ҳам чўчиб кетмади, тушукчанлик тушмади, асл позициясидан бир қадам ҳам чекинмади. Ҳа, урушларда, жангларда пўлатдаги товланган, фашистларнинг танкига тик борган инсонни «қўшқир» бошлиқларнинг дўй-пўисалари эга оларми?! Ҳеч қандай куч унинг қаламини синдира олмади, ижодга бўлган ҳавасдан қайтара олмади. У бугун куч-қувватини янги-янги асарларини яратишига қаратди, китобхонларни хушнуд этиш учун тунни кунга алаб меҳнат қилди. Оқибатлари самарали, серунум бўлди. У янгирма-

лум бўлмаган янгиликлар худлик билан унинг ижодида кириб борди, жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиди. Пахта териш машиналарининг афзалликларини бадиий тил билан биринчилик сафиде очиб берган ҳам («Зангори кема капитани») Иброҳим Раҳимдир. «Зангори олов» топиш машаққатлари ва унинг инсоният учун улкан аҳамиятини («Оловкор») кўтариб чиққан, Россиянинг Нокоратпрок зонасига эндигина бориб, меҳнат жаҳасини бошлаб юборган ўзбек мутахассисларининг мардлиги («Оқибат»), ўзбек аёлларининг фронтдаги жонбозлиги («Жоним фидо») — ҳамма-ҳаммаси ҳозиржавоблик билан адиб қаламидан ўтказилган.

«Хом ўрик қоринини дам қилганидек, гўр масала бошини гаранг қилади». Бу сўзлар бугунги кунда алоҳида оҳанг билан қарангилмоқда. Чунки «гўр масалалар» борган сари кўпайиб кетиб, жамиятининг қоринини «дам» қилмоқда. Бунинг оқибатида қудратли мамлакатимиз таназулуге қараб кетмоқда. Иброҳим Раҳим ўз асарлари билан жамият жаравнигекенг арашлаган, ундаги ижодий ҳодисаларни зақ-шақ билан кўйилган, салбий нарсаларни қақр-ғазаб билан қоралаган, қусурлардан холи бўлиш лозимлигини оғохлатирган. Адибнинг жамиятдаги ўрни, халққа хизматини шунчалик бўлади-дур! Унинг яна

ҲАССОС ЖУРНАЛИСТ

Бугун муборак ёшларини нишонлаётганимиз Иброҳим ақани билан бўлаётган учрашувларда у кишининг адабиётимизни ривожлантиришдаги ҳиссаларига ургу берилди. Бу тўғри эътироф, унга бажонидил қўшилишимиз. Лекин дўстларимиз Ўзбекистон халқ ёзувчиси, республика Давлат мукофоти совриндори Иброҳим Раҳим адабиётга, сўз санъати оламига журналистика, вақтли матбуот орқали кириб келганлигини ҳам унутмасликларни керак. Биз, республика матбуоти жамоатчилиги бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, республикамизнинг вақтли матбуоти шаклланиши, ривожини ва бугунги равишда Иброҳим ақанини жуда катта хизмати бор. У кишини рўзнома ва ойнамаларда ишлаш жараёнида журна-

лист кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бергани ҳам факт. Бугунги кунда турли рўзнома ва ойнамаларда, радио ва телевидендеда самарали фаолият кўрсатётган қалам соҳиблари орасида Иброҳим Раҳимнинг юзлаб шоғирдлари бор. Яна бир нараса, устоз қаламкаши Тошкент давлат дорилфунунинда журналистика факультетини жорий қилгани ҳам жонқуярлик кўрсатган. Республика Журналистлар уюшмасини ташкил этишда ташаббускорлик қилиб, унинг биринчи раиси бўлган.

Иброҳим ақани ишлаган «Ўзбекистон овози» («Қизил Ўзбекистон»), «Ёш Ленинчи» рўзномалари, «Гулистон»,

дастуруламал бўлиб келмоқда.

Атоқли ижодкорнинг журналистика жанрларини ўстиришдаги, равиш топиришдаги меҳнатларини ҳам таъкидлаб ўтишимиз керак. Хусусан, очеркчиликда Иброҳим ақани кўрсатган фидойиликдан ҳар доим ифтихор қиламиз.

Устоз қаламкашининг тўйи республикамиз вақтли матбуотининг, журналистларининг ҳам тўйидир. Ишончимиз комилки, Иброҳим ақани миллий матбуотимизнинг бугунги изланиши янада самарали, янада ҳозиржавоб бўлишида ўз таъжирбаларини аямайди, ёш журналистларга ибрат кўрсатишда фаол даром этаверади.

Л. КАБИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувининг раиси.

КИТОБХОНЛАР ҲУЗУРИДА

Фарғоналик китобхонлар, лут ёши билан муборакбод атар эканлар, ўзига хос маданият байрамининг маршурутини жонжазон вилоятлари шаҳар ва қишлоқларига ҳам улагани учун юбилар меҳмонга алоҳида мишнатдорчилик билдирдилар.

Тошлоқ райониде бўлган

рашувларда, кечаларда ала-биёт муҳлислари адибни таъриқлаш билан бирга ўзлари нинг қимматли тақлиф-мулоҳазаларини ҳам айтишди. Учрашувларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси Одил Ёнубов, Ўзбекистон халқ шоирлари Ҳамид Гулом, Рамаз Бобоқоллар иштирок этишди.



1953 йилда «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси муҳарририятида туширилган ушбу тарихий суратда юбилар адибимизни адабиётимиз ва матбуотимизнинг машҳур, таниқли вакиллари даврасида нўриб турибсиз.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

СССР Давлат ҳисоб комитетининг ХИСОБГА ОЛИШ, ХИСОБ ВА ИҚТИСОДИЙ АХБОРОТНИ МАШИНАДА ИШЛАШ СОҲАСИДА РАҲБАР ҚОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ ТАРМОҚЛАРАРО ИЛМҒОХИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ Корхоналар ва ширкатларнинг раҳбарларини ҳамда хусусий шахсларни «Кичик корхоналарни ташкил этиш ва ишлатиш масалалари» МАКТАБ-СЕМИНАРИГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ: Семинарнинг асосий вазифаси бизнинг мамлакатимизда, шунингдек хорижда мавжуд тажриба асосида кичик корхоналарни ташкил этиш ва иқтисодий ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатишдир.

СЕМИНАРДА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КҮРИБ ЧИҚИЛАДИ:

- Урта Осиё минтақасида кичик корхоналар (кичик тижорат)ни ривожлантириш;
- кичик корхоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар мажмуаси;
- кичик корхоналарни ташкил этиш ва ишлатишда совет ва чет эл тажрибасини ўрганиш;
- кичик корхоналарни тузиш бўйича ташкилий ишлар ҳамда зарур таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- кичик корхоналарнинг молиявий ва ташкил иқтисодий фаолияти;
- аҳолини иш билан таъминлашнинг ташкилий шакллари.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси ва етакчи совет олимлари, иқтисодчилари, ҳуқуқшунослари, қўшма фирмаларнинг вакиллари ўтказадилар.

Мақтаб-семинар доирасида унинг қатнашчилари истагига қўра танлаган соҳаси бўйича ишонилармонлик фаолиятига қўбиятини аниқлаш аниқлаш аниқлаш аниқлаш назарда тутилмоқда.

Мақтаб семинарнинг ҳар бир иштирокчисига, СССР кичик корхоналари бўйича зарур маълумотлар мажмуасини, шунингдек хориж (Италия, Япония, АКШ ва бошқа Гарбий Европа мамлакатлари) тажрибаси бўйича маълумотлар мажмуасини ҳамда кичик корхоналарга нумалашувчи ассоциациялар: маркалар, уюшмалар ва бирлашмаларнинг ҳужжатлари тақдим этилади.

Семинарнинг тўла ҳақми 36 соат (1 hafta)га мўлжалланган. Машгулотлар — гуруҳлар тўлиғича қараб бошланади.

Мақтаб-семинарда қатнашиш учун манфаатдор ташкилотлар ва шахслар (ҳужжатлар мажмуаси баҳосини ҳам ҳисобга олиб) ҳар бир иштирокчи учун 735 сўм пулни СССР Давлат ҳисоб комитетининг ҳисобга олиш ва ҳисоб, малака ошириш тармоқлараро институтини Ўзбекистон филиалининг ҳисоб рақамига ўтказадилар. Тошкент шаҳар, Киров район санат курилиш банкиди ҳисоб рақами 000609958, Код МФО 734321.

МАКТАБ-СЕМИНАР ТУГАГАЧ, УНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИ.

Мақтаб-семинар манзили: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский узуи кўчаси, 42-уй.

БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАР ЎТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — 67-19-13, 67-19-03, 68-54-60.

• ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА •

Техника тараққиёти даврида кундалик ҳаётимизни энергиясиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис истеъмолчиларини узлуксиз энергия билан таъминлаш энергетиканинг бош мақсадига айланимда. Албатта, аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ҳозирги замон фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, амалдаги электр тармоқлари пухта ишлашни таъминлаш ва тежамкорлигини ошириш керак.

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси Энергетика ва автоматика илмгоҳи мутахассислари ана шу йўлда тинмай ишлашни олиб боришпти. Илмгоҳда амалга оширилаётган муҳим ишлардан бири истеъмолчиларни узлуксиз энергия билан таъминлашга қаратилган.

1970 йиллар ўрталарида ўзбекистонлик мутахассислар бу соҳада янгилик яратдишди. Иттифоқда биринчи бўлиб, электр тармоқлари корхоналарининг автоматлаштирилган бошқарув тизими ишлаб чиқилди. Бу янгилик мамлакатимизнинг Одесса, Томск, Волгоград шаҳарларида, Озарбайжон, Арманистон, Қозғоғистон республикалари ва бошқа бир қатор энергия тизими тармоқларида кенг қўлланилди. Мазкур илмий тадқиқот натижалари Фарғона, Тошкент ҳамда Наманган вилоятлари электр тармоқларида ҳам жорий этилди.

Хўш, янги бошқарув тизимининг фойдали томонлари нимага асосланган? Аввало, бу тизим йиғирмадан зийд иқтисодий-ташкилий масалаларнинг ечимини ўз ичига олади, электр тармоқларини пухта ишлаши ва тежамкорлигини оширишга қаратилган.

Мамлакат ва республика электр тармоқларида ушбу янгилик татбиқ этилиши натижасида 1,5 миллиард сўм самара олингани ҳам бунинг

Ушбу электр тежамкорлиги соҳасидаги, муаммоларнинг айримлари Энергетика ва автоматика илмгоҳида ўз ечимини топтомоқда. Илмгоҳда истеъмолчилар ва электр энергияни етказиб берувчи корхоналар ўртасидаги муносабатлар бозор шароитига мослаштирилиб, сарф қилинган энергиянинг ҳажминини ва сифатини автоматик равишда назорат қилувчи бошқарув тизимининг илмий асослари

Илмгоҳ мутахассислари бу соҳадаги ишларни жадал давом эттиришпти. Эндилда электр тармоқларининг ҳар бир бошқарув сатҳида ахборот тизими ташкил этилиб, улар ёрдамида электр энергия узатишдаги тартиб ва уларнинг ишини бошқариш масалалари ҳал этилпти.

Бундан ташқари, электр энергияни узатишда, уни бошқаришда телеахборотдан, мулоқат тизимларидан, тезкор ахборот узатиш тармоқларидан кенг фойдаланишга эътибор кўчаймоқда.

Мазкур илмгоҳда яратилган бошқарув тизими орқали исталган вақтда минглаб қуруналарнинг норматив кўрсаткичлари ва ҳар бир ускунанинг суралган вақтда иш фаолиятини назорат қилиш, таъмирлаш режаларини тузиш, уларни назорат қилиш мумкин. Шу билан бирга, электр тармоқларининг ҳар бир бошқариш сатҳида истеъмол қилинган энергиянинг ҳажми ва сифатини назорат қилиш имкониятига ҳам эга бўлилади.

Илмгоҳ ақли шу кунларда илмгоҳнинг 50 йиллик юбилейини нишонлаш билан бирга, фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланган ҳолда жумҳурият энергетикасини ривожлантириш, истеъмолчиларини сифатли ва зарур ҳажмидаги энергия билан узлуксиз таъминлаш борасидаги излаш ишларини муваффақиятли давом эттиришпти. Бинобарин, келажикда илмгоҳ мутахассисларининг кўпайиб янгилик яратишига ишончимиз кўпайди.

Э. ПАЙЗНОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика илмгоҳи лабораторияси мудири, профессор.

ТЕЖАМКОРЛИК МАНБАИ

ЕКИ ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ ТИЗИМИ ҲАҚИДА

Шу ўринда бир нарсани эътиборга олиш керак: мамлакат электр тармоқларида энергия узатиш даврида 160 миллиард киловатт-соат электр энергияси бекор бўлиб қолган. Жумҳуриятимизда бу кўрсаткич 4 миллиард киловатт-соатни ташкил этади. Фақат санат корхоналарида электр тармоқларида йўқотилган энергиядан келган зарар агар Иттифоқ миқёсида олинса, 1 миллиард сўмдан ортиқ кетарди. Хуллас, келтирилган бу рақамлар энергия истеъмолчиларини зарур ҳажмида сифатли электр энергия билан ўз вақтида ва узлуксиз таъминлаш нақадар муҳумлигини далил беришга мўлжалланган.

Илмгоҳ мутахассислари бу соҳадаги ишларни жадал давом эттиришпти. Эндилда электр тармоқларининг ҳар бир бошқарув сатҳида ахборот тизими ташкил этилиб, улар ёрдамида электр энергия узатишдаги тартиб ва уларнинг ишини бошқариш масалалари ҳал этилпти.

Бундан ташқари, электр энергияни узатишда, уни бошқаришда телеахборотдан, мулоқат тизимларидан, тезкор ахборот узатиш тармоқларидан кенг фойдаланишга эътибор кўчаймоқда.

Мазкур илмгоҳда яратилган бошқарув тизими орқали исталган вақтда минглаб қуруналарнинг норматив кўрсаткичлари ва ҳар бир ускунанинг суралган вақтда иш фаолиятини назорат қилиш, таъмирлаш режаларини тузиш, уларни назорат қилиш мумкин. Шу билан бирга, электр тармоқларининг ҳар бир бошқариш сатҳида истеъмол қилинган энергиянинг ҳажми ва сифатини назорат қилиш имкониятига ҳам эга бўлилади.

Э. ПАЙЗНОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика илмгоҳи лабораторияси мудири, профессор.



Семинарнинг асосий вазифаси бизнинг мамлакатимизда, шунингдек хорижда мавжуд тажриба асосида кичик корхоналарни ташкил этиш ва иқтисодий ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатишдир.

НУҚТАИ НАЗАР

«...ИШДАН БЎШАТИЛСИН»

АНА ШУНДАЙ СЎЗЛАР БИЛАН ТУГАГАН ДУБРУҚЛАРИНИНГ 70 ФОЗИДАН КЎПРОГИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ДЕБ ТОНИЛАШТИ

риб чиқарди. М. Маманов ва С. Турсунов алам устиде ҳўжаликда молиявий интизом бузилаётгани ҳақида прокуратурага маълумот бердилар. Раис эса «сизларга кўрсатиб қўяман қабилда иш тўтиб, Самарқандга гуруҳ-гуруҳ одам жўнатарёди. Хуллас, вилояту жумҳуриятдаги идоралардан келмаган вақил қолмади. Аммо масала ҳанузгача бир ёқли этилмади. Район раҳбарлари эса бу бахс ечими фақат уларнинг оқилона, қатынгили сўзига боғлиқ эканлигини инагадир тушуниб этишмапти.

Бундай ўжарликлар оқибати яхшилик олиб келмапти. Самарқанд кўн ишлаб чиқариш бirlашмасининг собиқ директори Л. Юрбаев ҳам дастлаб ана шундай йўл тутди. У киши бирлашманинг ноқонуний ишдан бўшатилган ва бошқа ишда ўтказилган аъзоларини ўз вазифаларига қайтардан қўйиш тўғрисида ваколатли органлар

қарорини менсимасдан — юри. Оқибатда, унга нисбатан жиндон иш кўзгатилади. Тергов натижаларига кўра Л. Юрбаев Сибей район халқ суди ҳўжми билан бир йил давомиде иш ҳақда иборот ҳам чиқарди. Бирок, улар раис оқилона фикрини калкон қилиб оёғини тираб туриб олди.

Бир-бирини кўролмаслик ҳўжаликда гуруҳбозлиқни келтириши керак. Биз кўпича кимнидир ишонди олиш билан муаммони ечандек бўламиз. Чўнки юқорига шундай маълумот бериш керак. Самарқанд шаҳар партия комитетининг собиқ биринчи котиби Шакар Файзиёв, вилоят ижрокўми раисининг собиқ ўринбосари Мамадали Зарипов, Пастдаргом, Пахтачи, Хатирчи районлари пар-

тиа комитетларининг собиқ биринчи котиблари Турди Насриддинов, Зулайхо Норқулова, Рўзкул Маҳаматов, Каттакўра районидеги Тельман номли жамоа ҳўжалиги собиқ раиси Отакул ака Хўсанов ана шундай сибаст гирдобига тушдилар. Вазолонки, бу раҳбарларнинг ижобий иш услубини сафдошлари ҳўзир ҳам мактаб гапиришди. Аммо биз уларнинг тақдирини даврининг вақтинчалик йўналиши билан боғладик.

1986 йилда Пайричи районидеги Куйбисше номли жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Турғун Бектемировни суғориладиган ерларни аҳолига томорка сифатида бўлиб берганлиги учун мажбурий хизматга суддошлар. Унинг тутган йўли ноқонуний тўғри турибмиз. Кизийг шундаки, 1991 йилга келиш шў райондаги Калинин номли жамоа ҳўжалиги бош-

• Спорт

ПОВЛОНЛАРИМИЗ ДОВРУҒИ

Олмониянинг Данаушнинген шаҳрида жаҳоннинг энг кўчи повлонлари тўплалиниши. Маълум бўлишича бугунги кунда ер юзиде 3 миллиондан ортиқ йигит оғир атлетика билан шуғуланар экан. 130 мамлакатда спортнинг ана шу турига қизиқиш катта. Зеро, 64-мартга байроғи қўлланган жаҳон чемпионатида 49 мундаридан сараланган 329 нафар повлон таширф бўурди. СССР терма жамоаси 12 оғир атлетикачидан иборат эди. Мусобақада зўр маҳорат кўрсатган мамлакат повлонлари жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Бу муваффақиятга ўзбекистонлик икки повлон ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Илгари жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори бўлган фарғоналик Игорь Содиқов икки курашда 415 килограммлик натижага эришиб, жаҳон чемпиони бўлди. Унинг ҳамюрти Сергей Сирцовнинг чиқишлари мухлисларни ҳаяжонга солди. Халқаро классдаги спорт мастери яна бир неча кундан кейин ўзининг 25 баҳорини қаршилайди. Ўзбекистонлик повлон айтиш шўда куч ва маҳоратга тўлганлигини амалда намойиш этди. У даст кўтаришда 185 килограммлик натижага эришиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. 225 килограммлик тоғини шўшса кўтариш учун саҳнага чиққанда мухлисларнинг нафас олиши ҳам эшитилаётгандек манзара касб этди. Чапдаст йигит бу юкни ҳам елкаси узра муаллақ ушлаб туришни ўрнига қўйди. Шундай қилиб, 90 килограмм вазли Сергей икки кураш натижасида кўра 410 килограммлик маррани эгаллаб, жаҳон чемпиони бўлди. Мустақил Ўзбекистонда спортнинг оғир атлетика турини ривожлантиришга, оммавийлигини таъминлашга катта улуғ қўшган ҳар иккала повлонни катта галаба билан мурабобот этамиз.

Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлигининг энгини муҳофазаси бошқармасидан маълум қилишларича, жумҳуриятнинг ҳамма жойларда бундай ёниларга қарши изчил кураш олиб бориляпти. Шунга қарамай, бир қатор ҳўжаликлар ва муассалар ходимлари оддий техник хавфсизлиги қондаларини кўпол равишда бузмоқдалар. Бу ерда шўни ҳам айтиб ўтиш кераки, айниқса пахта етиштиришни пудратга олган оилалар ва ижарачилар терилган ҳўчилини ўзлари илаб турган хонадонларнинг ёнида куртисизликка йўл қўйилди. Ёнгин натижасида 40 килограмм

БЕҒАМАЛИК

Жумҳуриятимиз далаларида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган айти пайтда пешона тери билан етиштирилган «оқ олтин» дурдонасини асраб-авайлаш ҳар бир кишининг шарафли бурчиридир. Лекин айрим жойларда эътиборсизлик ёки ишдаги камчилилар натижасида янги ҳўзил йиғим-териб олинган жойларда ёнгин чиқиш ҳодисалари юз бериляпти.

Сурхондарё вилоятининг Серғосиё районидаги «Ленинград» жамоа ҳўжалигида эътиборсизлик оқибатида 2,5 тонна пахта ёниб кетди. Ана шу ҳўжаликка қўшни «Правда» жамоа ҳўжалигида эса 12 килограмм пахта кулга айланди.

Фарғона вилоятининг Фрунзе районидаги Найманча кишлогини оиласи ризқини қийиш деган гап, Ноқонуний буйруқлар эса оворагарчиликдан бошқа нарса эмас. Азбаройи, мен кингир кўлли ёки ношуд кишиларнинг бошини силлаш керак, демоқчи эмасман. Фақат меҳнат қонунлари қўлланганда адолатдан чекинмаслик зарур.

1990 йилда вилоят прокуратураси ходимлари томонидан меҳнат қонунчилиги ижроси бўйича 37 марта текшириш ўтказилган бўлса, бу текширувлар натижасида меҳнат қонунчилигига энд равишда чиқарилган 26 та ҳўқуқий далолат аниқланган. Қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан мансабдор шахслар ва маъсул оҳоллардан 13 киши расмий огоҳландирилган, 11 кишига турли маъмурий қоралар қўлланилган.

Бултур область прокуратура органларига меҳнат қонунчилигининг бузилганлиги тўғрисида фуқаролардан 337 та ариза ва шикоят тушган. Шулардан 61 таси асосли деб топилди, вазиатга прокуратура органлари аришалашган. Ёнг ёмони шўки, бу меҳнат жамоаларида носоголом муҳитини юзага келтиривтир.

«Ана, бошлик навбатдаги буйруқка ёмо чекяпти. Пешонаси тиришган, юзлари жиддий. Қўл остидаги ашак-кочкиннинг буринини ерга ишкатигани учун ич-чидан қуовини кўйди. Ҳайҳот, ўзинг асрагил бу хил ишлардан!»

Ф. ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ХУШҲАБАРЛАР

МАНГУ ОЛОВ ХўЖАЙЛИ районида Улуғ Ватан урушига жўнаб кетган йигитларнинг қарийб 2 миң нафари қайтиб келмаганлиги аниқланди.

Шу муносабат билан шаҳар марказидаги маданият ва истроҳат бойида уруш қаҳрамонларининг номини абадийлаштириш мақсадиде мармар ва гранит тошдан ёдгорлик бунёд этилди. Ёдгорликнинг очилишига бағишланган митингдан кейин мангу олов портлай бошлайди. Йигитлардан собиқ жангчиларнинг ҳўжратини баҳо келтириб, ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЯНГИ ҲОСИЛ—ХОРИЯТГА ҚАШҚАДАРЕ вилояти пахта тазалаш санюати корхоналари лян пахта ҳўселидан тайёрланган 4200 тоннадан кўпроқ толанни хорижий давлатларга жўнатдилар.

Пахта толаси ортланган эшелонлар Венгрия, Польша, Швейцария каби мамлакатларга йўл олди. Бу йил вилоят пахта тазаловчилари ўзаро шартномага мувофиқ 40—45 фоз толанни хорижий мамлакатларга юбориш режасини тузмоқдалар.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУТАФАККИР ХАЙКАЛИ ГУЛИСТОН шаҳрида Алишер Навоий хибобни ташкил этилди.

Вилоят музикали драма театри қаринишдаги хибобда Навоийнинг хайкали, шунингдек, у яратган асарларни ақ эттирувчи лавҳалар бор. Навоий хибобни комплексни москвалик хайкалтарош Ю. Колесников бошчилигида меъморлар гуруҳи бунёд этилди. Қурилиш ишларини 7-трестга қарашли 2-кўма колонна бунёдкорлари барпо этишди.

А. УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ. Рўзнама таҳрир ҳайъати: Х. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚАСИМОВ, Э. С. ХўЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИҚМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲИМИЗ: 700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БҮЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва катлар — 33-21-43, 33-54-55, 33-53-16, 33-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта кўриш ва иқтисодий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; санат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик санюати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодий ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-47-51, 32-57-21; адабий, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий вазанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахбор-одоб — 32-54-29; фелетонлар — 32-54-37; бозорчилик — 32-57-22; Уз МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нусусда — 1-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчада — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖҲҒНАЛИСЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 6121. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00. № 197.